

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53408-4.01

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"
таълим соҳасидаги 5340800 - "Солиқлар ва
солиққа тортиш" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Альмардонов М.,
к.ўқ. Аманов А.

Такризчилар: доц. Бахромов Т.,
доц. Қўзиева Н.

Олий таълимнинг давлат стандартларига асосан "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши бўйича мутахассислик фанлари сифатида "Солиқлар ва солиққа тортиш" фани ўқитилади. Ушбу фанни ўқитиш жараёнида юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган солиқли ва солиқсиз тўловларга тавсиф, шу жумладан солиқли ва солиқсиз тўловларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби каби мавзулар ёритилиб берилади. Хусусан юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқли ва солиқсиз тўловларни ҳисоблаш, билан ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиблари амалиёт боғланган ҳолда чуқур ўрганилади.

В соответствии с государственными стандартами Высшего образования, дисциплина "Налоги и налогообложение" является профилирующим предметом направления "Налоги и налогообложение". В процессе преподавания данной дисциплины раскрываются такие темы как, характеристика уплаты юридическими и физическими лицами налоговых и неналоговых платежей, в том числе исчисление и уплата налоговых и неналоговых платежей. В сущности, исчисление, предоставление расчетов и способы уплаты юридическими и физическими лицами налоговых и неналоговых платежей изучается в тесной связи с практической деятельностью на основе практики. Данная программа одобрена и рекомендована Министерством Высшего и средне специального образования Республики Узбекистан.

Subject of "taxes and taxation" is thought as specialized subjects of "taxes and taxation" based on High education's state standards. In process of teaching this subject, character of taxes and nontax payments of juridical and corporal persons, calculation of taxes and nontax payments and orders of paying to budget are lightened. Especially calculation of taxes and nontax payments of juridical and corporal persons, presentation of calculations and orders of payments are learned practically and deeply. This example program is approved and confirmed by Ministry of High and Secondary Education of Republic of Uzbekistan.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастурлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

"Солиқлар ва солиққа тортиш" фанини ўқитишдан мақсад, таълим олаётган талабаларга Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва солиққа тортиш тизимлари билан таништириб, уларнинг иқтисодий билимларини чуқурлаштириш билан бир қаторда олаётган билимларини республика иқтисодиётида амалий қўллай олиш. Фан олдида қўйилган вазифалар асосан талабаларни амалдаги ҳар бир солиқ тури билан таништириб, солиқ объекти, субъекти, солиқни ҳисоблаш йўллари, уни ундириш усуллари, имтиёзлар, солиқ органларига ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартибини, ҳисобланаётган солиқларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишни ўргатишдан иборатдир. "Солиқлар ва солиққа тортиш" фани "Солиқ назарияси", "Молия назарияси", "Иқтисодий назария" каби қатор фанлар билан узвий боғланган.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар

"Солиқ ва солиққа тортиш" фани бўйича касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш "Солиқ ва солиққа тортиш" фанидан солиқлар ва солиққа тортиш бакалавриат йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириш; семинар ва амалий машғулотларда мунозараларда ўтказиладиган талабаларнинг фаол иштироки таъминланиши талаб этилади.

Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишларининг минимал миқдорига талаблар

Талабалар ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзуларидан тегишли тартибда танлаб олиб, бу мавзулар бўйича рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлашлари ҳамда амалий машғулотни олиб борувчи ўқитувчи назоратида тайёрлаган ишлари юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтишлари лозим. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларидаги юлдузча билан ажратиб кўрсатилган кичик мавзулар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилаб беради.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 333, шу жумладан 110-маъруза, 112-амалий, 111 мустақил таълим соатлари ажратилган. "Солиқ ва солиққа тортиш" фани бўйича олинган билимлар талабаларни кейинчалик амалий фаолиятда учрайдиган муаммоларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб, касбий малакаларини оширишларида қўл келади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

"Солиқ ва солиққа тортиш" фанидан талабаларнинг билимини баҳолаш тўрт марта оралиқ, тўрт марта жорий ҳамда якуний назорат шаклларида ўтказилади. Якуний назорат ёзма иш шаклида ташкил этилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

"Солиқ ва солиққа тортиш" фанини ўқитишда компьютерлардан, аудио ва видео жиҳозлардан, диджитал ва кодоскоплардан шунингдек, дарс давомида турли жадваллар, ҳамда слайдлардан фойдаланиш талаб этилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Солиқлар ва солиққа тортиш" фани бўйича маъруза машғулотлари мавзуси

"Солиқлар ва солиққа тортиш" фанининг предмети, мазмуни ва ўрганиш усуллари

"Солиқлар ва солиққа тортиш" фанининг мақсади, вазифалари ҳамда талабаларни ҳаракатдаги солиққа тортиш тизими билан атрофлича таништириш. *Фаннинг асосий мақсади талабаларда йўналиши, яъни амалиётдаги солиқ турлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.*

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқлар ва солиқсиз тўловларига умумий тавсифнома

Республикамиз солиққа тортиш тизимида амалда бўлган солиқли ва солиқсиз тўловлар, уларнинг амал қилиш доираси *Юридик шахсларнинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. Жисмоний шахсларнинг солиқли ва солиқсиз тўловлари.*

Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг тамойиллари

Солиққа тортиш мақсадида юридик шахс тушунчаси. Солиқ тўловчиларни аниқлаш асослари. *Ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулияти.* Солиққа тортиш мақсадида жисмоний шахс тушунчаси. Солиққа тортиш тизимида юридик ва жисмоний шахсларга

қўлланиладиган тамойиллар. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги тамойилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.

Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғи

Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва унинг бюджет даромадларида тутган ўрни.

Солиқларни тўловчилар таркиби, солиқ объекти, солиқ ставкалари ва солиққа тортиш базасини шакллантириш, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари. Солиқдан бериладиган имтиёзлар ва уларни бекор қилиш тартиби. Солиқни бухгалтерия ҳисобида расмийлаштириш ва бошқа мавжуд муаммолар.

Соддалаштирилган солиқ тизими (Ягона солиқ)

Соддалаштирилган солиқ тизими тушунчаси, унинг иқтисодий аҳамияти. *Ягона солиқнинг солиқ тизимига татбиқ этилиши ва амал қилиш жараёни.* Солиқ тўловчиларининг таркиби, солиқ объекти, ставкалари, солиқни ҳисоблаш услубияти. Солиқни тўлаш муддатлари. Солиқни жорий этиш афзалликлари. Бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва мавжуд муаммолар.

Ялпи тушумдан ва белгиланган даромаддан ягона солиқ

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортишнинг хусусиятлари. *Ялпи тушумдан ягона солиқнинг солиқ тизимига жорий этилиши ва зарурлиги.* Ялпи тушумдан ягона солиқнинг объекти, солиқ ставкалари, ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.

Белгиланган даромаддан ягона солиқнинг субъектлари таркиби, солиқ объектини аниқлаш услубияти. Солиқ ставкалари ҳамда солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғининг солиқ тизимига жорий қилиниши ҳамда иқтисодий аҳамияти. *Қўшилган қиймат солиғининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари.* Солиқ тўловчилари таркиби, солиқ объекти, солиқ ставкалари, тўлаш муддатлари, солиқ бўйича имтиёзлар. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлаш усули. Счёт фактурани тўлдириш тартиби ва солиқни бухгалтерия ҳисобида расмийлаштириш. Қўшилган қиймат солиғи бўйича мавжуд муаммолар.

Акциз солиғи

Акциз солиғининг моҳияти ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар учун акциз солиғи. *Солиқни тўловчилар таркиби, солиққа тортиш объекти, солиқ ставкалари, тўлаш муддатлари, солиқ бўйича имтиёзлар ва ҳисоблаш тартиби.* Акциз солиғини ҳисобга олиш ва бухгалтерияда расмийлаштириш.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида мол-мулк солиғини жорий этиш сабаблари. Мол-мулк солиғининг шаклланиш жараёни ва тарихий босқичлари. Мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти. Солиққа тортиш мақсадида мол-мулк тушунчаси. *Юридик шахслар мол-мулк солиғини тўловчилари сифатида. Юридик шахслардан мол-мулк солиғини ундиришда мол-мулкнинг йиллик ўртача қолдиқ қийматини аниқлаш тартиби.* Корхоналарда мол-мулкни қайта баҳоланиши ва унинг солиқ объектига таъсири. Мол-мулк солиғи ставкаси. Экспортни рағбатлантиришда мол-мулк солиғи ставкасининг табақаланиши. Ўз вақтида ўрнатилмаган асосий воситалар учун оширилган солиқ ставкаси ва уни қўллаш тартиби. Мол-мулк солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар мезонлари ва гуруҳланиши. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби. Мол-мулк солиғини бюджетга ўтказиш тартиби ва бухгалтерия счётларида акс эттирилиши. Мол-мулк солиғида асосий муаммолар.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

Жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг тўловчилари. *Жисмоний шахслар мол-мулкнинг турлари ва солиқ объекти. Жисмоний шахслар мол-мулкнинг қайта баҳоланиши. Мол-мулк солиғининг ставкалари ва унинг табақалаштирилиши.* Мол-мулк солиғи бўйича жисмоний шахсларга бериладиган имтиёзлар. Мол-мулк турлари бўйича солиқ ҳисоблашнинг хусусиятлари. Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ундириш тартиби. Юридик ва жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ундиришнинг фарқлари. Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ундиришнинг асосий муаммолари.

Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи

Солиқ тизимида ер солиғини жорий этишнинг асосий сабаблари. Ер солиғининг иқтисодий моҳияти ва унинг тарихий шаклланиши. Юридик шахслар ер солиғини тўловчилар сифатида. Ер солиғи объекти. Ер солиғи ставкалари ва уни ҳудудий

табақалаштириш асослари. *Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ имтиёзлари ва унинг гуруҳланиши. Ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Қишлоқ хўжалик корхоналари учун ягона ер солиғини жорий этишнинг зарурияти ва ижтимоий-иқтисодий сабаблари ва.*

Ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби. Ҳисобланган солиқ суммасини бухгалтерия счётларида акс эттириш тартиби. Ер солиғининг асосий муаммолари.

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғининг иқтисодий моҳияти. *Ер солиғини тўловчилари ва уларнинг гуруҳланиши. Ер солиғининг объекти ва уни аниқлаш тартиби.* Ер солиғи бўйича жисмоний шахсларга бериладиган имтиёзлар. Имтиёзларнинг пайдо бўлиши ва бекор қилинишини ҳисобга олиш тартиби. Ер солиғининг ҳисобланиши. Ер солиғини бюджетга ундириш тартиби. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишдаги ўхшашлик ва фарқлар. Жисмоний шахслардан ер солиғини ундиришдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш тартиби.

Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг иқтисодий моҳияти. Жисмоний шахслар даромадларининг таркиби. Солиқ тўловчилари. Солиқ объектини аниқлаш хусусиятлари. Норезидент жисмоний шахсларни солиққа тортиш. *Солиқ ставкалари. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартиби. Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадларни солиққа тортиш. Декларация тушунчаси ва унинг турлари. Декларацияни тўлдириш тартиби ва топшириш муддати.*

Инфратузилмани ривожлантириш солиғи

Инфратузилмани ривожлантириш солиғининг иқтисодий моҳияти. *Корхоналар ихтиёридаги ижтимоий соҳа объектларини босқичма-босқич давлат тасарруфига ўтказиш. Солиқ тўловчилари.* Солиқ объекти. Солиқ бўйича берилган имтиёзлар. Солиқни ҳисоблаш усуллари ва бюджетга тўлаш тартиби. Инфратузилмани ривожлантириш солиғидаги асосий муаммолар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг иқтисодий моҳияти ва уни жорий этиш сабаблари. Солиқ объекти ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ ставкалари ва уни табақалаштириш мезонлари. *Солиқни ҳисоблаш тартиби. Ҳисобланган солиқни бюджетга тўлаш тартиби ва бухгалтерия счётларида акс эттирилиши.* Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ механизмнинг муаммолари.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ

Ер ости бойликлардан фойдаланишни солиққа тортиш зарурлиги ва сабаблари. Солиқ тўловчилари. Солиқ объекти ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ имтиёзлари. Солиқ ставкалари ва унинг табақаланиш асослари. Солиқни бюджетга ўтказиш тартиби. Солиқни бюджетга ўтказиш муддатлари ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ механизмидаги муаммолар.

Экология солиғи

Экология солиғининг иқтисодий моҳияти. Экология солиғини солиқ тизимида жорий этиш сабаблари. Солиқ тўловчилари. Солиқ объекти. Солиқ ставкаси. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби ҳамда муддатлари. Экология солиғи механизмидаги мавжуд муаммолар.

Бошқа солиқлар ва солиқсиз тўловлар

Реклама солиғининг иқтисодий моҳияти. Реклама солиғининг тўловчилари. Реклама солиғининг объекти. Реклама солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.

Божхона божининг иқтисодий моҳияти. Божхона декларацияси ва уни тўлдирish тартиби. Божхона божидан озод қилинадиган товар (хизмат, иш) лар. Божхона божи ставкалари. Божхона божини ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартиби. Божхона тўловларини тўлаш муддатини узайтириш шарти.

Автотранспорт воситаларини қайта сотганлик учун, ортиқча тайёр маҳсулот қолдиғи учун солиқ ва бошқа солиқсиз тўловларнинг ўзига хос хусусиятлари.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

"Солиқлар ва солиққа тортиш" фанининг предмети ва ўрганиш усуллари

"Солиқлар ва солиққа тортиш" фанининг мақсади, вазифалари ҳамда ҳаракатда бўлган солиққа тортиш тизими. Фанининг асосий йўналиши, яъни амалиётдаги солиқ турлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқлар ва солиқсиз тўловларига умумий тавсифнома

Республикада солиққа тортиш тизимида амалда бўлган солиқли ва солиқсиз тўловлар. Юридик шахсларнинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. Жисмоний шахсларнинг солиқли ва солиқсиз тўловлари.

Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг тамойиллари

Солиққа тортиш мақсадида юридик шахс тушунчаси. Солиқ тўловчиларни аниқлаш асослари*. Ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулияти. Солиққа тортиш тизимида жисмоний шахсларга қўлланиладиган тамойиллар*. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги тамойилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.

Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғи

Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва бюджет даромадларида тутган ўрни*.

Солиқларни тўловчилар таркиби, солиқ объекти, солиқ ставкалари ва солиққа тортиш базасини шакллантириш, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.

Соддалаштирилган солиқ тизими (ягона солиқ)

Соддалаштирилган солиқ тизими ҳақида тушунча ва унинг иқтисодий аҳамияти. Ягона солиқнинг солиқ тизимига тадбиқ этилиши ва амал қилиш жараёни. Солиқни тўловчилари таркиби, солиқ объекти, ставкалари, солиқни ҳисоблаш услубияти.

Ялпи тушумдан ва белгиланган даромаддан ягона солиқ

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортишнинг хусусиятлари. Ялпи тушумдан ягона солиқнинг солиқ тизимига жорий этилиши ва зарурлиги*. Белгиланган даромаддан ягона солиқни субъектлари таркиби, солиқ объектини аниқлаш услубияти*. Солиқ ставкалари ҳамда солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғининг солиқ тизимига жорий қилиниши ҳамда иқтисодий аҳамияти. Қўшилган қиймат солиғининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Солиқ тўловчилари таркиби, солиқ объекти, солиқ ставкалари, солиқ бўйича имтиёзлар*. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлаш усули. Счёт фактурани тўлдириш тартиби ва солиқнинг бухгалтерия ҳисобида расмийлаштириш.

Акциз солиғи

Акциз солиғининг моҳияти ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар учун акциз солиғи. Солиқни тўловчилар таркиби,

солиққа тортиш объекти ва ҳисоблаш тартиби*. Акциз солиғини ҳисобга олиш ва бухгалтерияда расмийлаштириш.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида мол-мулк солиғини жорий этиш сабаблари. Мол-мулк солиғининг шаклланиш жараёни ва тарихий босқичлари. Мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти. Солиққа тортиш мақсадида мол-мулк тушунчаси. Юридик шахслар мол-мулк солиғини тўловчилари сифатида. Юридик шахслардан мол-мулк солиғини ундиришда мол-мулкнинг йиллик ўртача қолдиқ қийматини аниқлаш тартиби*. Корхоналарда мол-мулкнинг қайта баҳоланиши ва унинг солиқ объектига таъсири. Мол-мулк солиғи ставкаси. Экспортни рағбатлантиришда мол-мулк солиғи ставкасини табақаланиши*. Ўз вақтида ўрнатилмаган асосий воситалар учун оширилган солиқ ставкаси ва уни қўллаш тартиби.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

Жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғининг иқтисодий моҳияти. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг тўловчилари. Жисмоний шахслар мол-мулкнинг турлари ва солиқ объекти. Жисмоний шахслар мол-мулкнинг қайта баҳоланиши*. Мол-мулк солиғининг ставкалари ва унинг табақалаштирилиши. Мол-мулк солиғи бўйича жисмоний шахсларга бериладиган имтиёзлар. Мол-мулк турлари бўйича солиқ ҳисоблашнинг хусусиятлари. Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ундириш тартиби*. Юридик ва жисмоний шахслардан мол-мулк солиғини ундирилишининг фарқлари. Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғи ундиришнинг асосий муаммолари.

Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи

Солиқ тизимида ер солиғини жорий этишнинг асосий сабаблари. Ер солиғининг иқтисодий моҳияти ва унинг тарихий шаклланиши. Юридик шахслар ер солиғининг тўловчилари сифатида. Ер солиғи объекти. Ер солиғи ставкалари ва унинг ҳудудий табақалаштириш асослари*. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ имтиёзлари ва унинг гуруҳланиши. Ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Қишлоқ хўжалик корхоналари учун ягона ер солиғини жорий этишнинг зарурияти ва ижтимоий-иқтисодий сабаблари.

Ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби*. Ҳисобланган солиқ суммасини бухгалтерия счётларида акс эттириш тартиби. Ер солиғининг асосий муаммолари.

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғининг иқтисодий моҳияти. Ер солиғини тўловчилари ва уларнинг гуруҳланиши. Ер солиғининг объекти ва уни аниқлаш тартиби. Ер солиғи бўйича жисмоний шахсларга бериладиган имтиёзлар*. Имтиёзларнинг пайдо бўлиши ва бекор қилинишини ҳисобга олиш тартиби. Ер солиғининг ҳисобланиши. Ер солиғини бюджетга ундириш тартиби. Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишдаги ўхшашлик ва фарқлар*. Жисмоний шахслардан ер солиғини ундиришдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш тартиби.

Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ

Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг иқтисодий моҳияти. Жисмоний шахслар даромадларининг таркиби. Солиқ тўловчилари. Солиқ объектини аниқлаш хусусиятлари*. Норезидент жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Солиқ ставкалари. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартиби. Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадларни солиққа тортиш. Декларация тушунчаси ва унинг турлари. Декларацияни тўлдириш тартиби ва топшириш муддати.

Инфратузилмани ривожлантириш солиғи

Инфратузилмани ривожлантириш солиғининг иқтисодий моҳияти. Корхоналар ихтиёридаги ижтимоий соҳа объектларини босқичма-босқич давлат тасарруфига ўтказиш*. Солиқ тўловчилари. Солиқ объекти. Солиқ бўйича берилган имтиёзлар. Солиқни ҳисоблаш усуллари ва бюджетга тўлаш тартиби. Инфратузилмани ривожлантириш солиғидаги асосий муаммолар*.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг иқтисодий моҳияти ва уни жорий этиш сабаблари. Солиқ объекти ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ ставкалари ва уни табақалаштириш мезонлари*. Солиқни ҳисоблаш тартиби. Ҳисобланган солиқни бюджетга тўлаш тартиби ва бухгалтерия сўтларида акс эттирилиши. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ механизмнинг муаммолари*.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ

Ер ости бойликларидан фойдаланишни солиққа тортиш зарурияти ва сабаблари. Солиқ тўловчилари. Солиқ объекти ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ имтиёзлари. Солиқ ставкалари ва унинг табақаланиш асослари*. Солиқни бюджетга ўтказиш тартиби. Ер ости бойликлардан фойдаланганлик учун солиқ механизмидаги муаммолар.

Экология солиғи

Экология солиғининг иқтисодий моҳияти. Экология солиғини солиқ тизимига жорий этиш сабаблари*. Солиқ тўловчилари. Солиқ ставкаси. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби.

Бошқа солиқлар ва солиқсиз тўловлар

Реклама солиғининг иқтисодий моҳияти. Реклама солиғининг тўловчилари. Реклама солиғининг объекти. Реклама солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.

Божхона божининг иқтисодий моҳияти. Божхона декларацияси ва уни тўлдириш тартиби. Божхона божидан озод қилинадиган товар (хизмат, иш) лар*. Божхона божи ставкалари. Божхона божини ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартиби. Божхона тўловларини тўлаш муддатини узайтириш шарти.

Автотранспорт воситаларини қайта сотганлик учун солиқ, ортиқча тайёр маҳсулот қолдиғи учун солиқ ва бошқа солиқсиз тўловларнинг ўзига хос хусусиятлари*.

Курс иши мавзулари

1. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ва уни такомиллаштириш йўллари.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тизими ва солиқларнинг бюджет даромадлари таркибида тутган ўрни.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг қабул қилиниш сабаблари ва унинг солиқ қонунчилигидаги аҳамияти.
4. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ундиришни такомиллаштириш йўллари.
5. Солиқларнинг давлат молия ресурсларини шакллантиришда тутган ўрни.
6. Ўзбекистонда мол-мулкни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни такомиллаштириш йўллари.
7. Давлат бюджетини ташкил қилишда солиқларнинг аҳамияти.
8. Ўзбекистон маҳаллий солиқлари ва уларнинг хорижий мамлакатлар маҳаллий солиқлари билан солиштирма таҳлили.
9. Солиқ механизми ва уни такомиллаштириш йўллари.
10. Бозор иқтисодиёти шароитида тўғри солиқларнинг республика солиқ тизимида тутган ўрни ва аҳамияти.
11. Давлат бюджети даромадлари ва уларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланиш тамойиллари.

12. Ўзбекистонда хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш масалалари.
13. Юридик шахсларни солиққа тортиш. Солиқ идораларининг назорат қилиш усуллари.
14. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш йўллари.
15. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромадларини солиққа тортиш тартиблари.
16. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни такомиллаштириш масалалари.
17. Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқнинг хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш йўллари.
18. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ундириш тартибларини такомиллаштириш масалалари.
19. Ер остидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ ставкаларини такомиллаштириш масалалари.
20. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ундириш тартибини такомиллаштириш йўллари.
21. Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартибини такомиллаштириш масалалари.
22. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартибини такомиллаштириш йўллари.
23. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ҳисоб-китобларни тақдим қилиш тартибини такомиллаштириш.
24. Кичик корхоналарни ривожлантиришда ягона солиқнинг аҳамияти.
25. Юридик шахслардан олинадиган солиқлар ва уларнинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига таъсири.
26. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.
27. Корхоналарнинг солиқли ва солиқсиз тўловлари: ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.
28. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни бюджетга ундириш тартиблари.
29. Тижорат банкларини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари.
30. Молиявий жазо чораларини қўллаш тартибларини такомиллаштириш масалалари.
31. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантиришда тўғри солиқлар бўйича имтиёزلардан фойдаланишни такомиллаш-тириш йўллари.

32. Чет эл сармояларини ишлаб чиқаришга жалб қилишда солиқларнинг тутган ўрни.

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Бу фанни ўқитиш жараёнида қуйидаги замонавий техник воситалардан, фойдаланиш белгиланган.

1. Компьютер;
2. Аудио ва видео жиҳозлар;
3. Диопроектор;
4. Кодаскоп;
5. Интернет тармоғи сайтлари:

- E-mail: mail@finstat.ru
<http://www.finstat.ru/>
- E-mail: valeo@etel.ru
- <http://www.alpbook.ru/>
E-mail: alpina@alp.ru

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралиқ баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ "ёзма иш" шаклида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма ишни усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида" "ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича намунавий Низом билан белгиланади. Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 ва унда юқори фоиз миқдорида балл тўплаган талаба

кониқарли ўқиётган ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган талаба кониқарсиз ўқиётган (академик қарздор) ҳисобланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. -Т.: Адолат, 2002.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни. // Халқ сўзи, 29 август 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида, - Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари, -Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Алимбоев С. Солиқлар. Ўқув қуланма. - Т., 2000.
10. Беганов В. ва бошқалар Молия сиёсати, солиқлар ва солиқ солиш. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998.
11. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш, -Т.: 1996.
12. Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи -Т.: Молия, 2000.
13. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: Академия, 2002.
14. Налоги и налогообложение в вопросах и ответах: часть 1. Т.: ГНК, 1998.
15. Налоги и налогообложение в Российской Федерации (учебник для ВУЗов). - М.: Книжный мир, 1999.
16. Налоги. Учеб. пос. (Под.ред. Д.Г. Черника). - М.: Финансы и статистика, 1998.
17. Финансы. (Под. ред. Дробозиной Л.А.) -М.: Юнити, 2000.
18. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Консаудит информ, 2001.
19. Яҳёев Қ. Ўзбекистонда солиқ тизими -Т.: Мехнат, 1998.
20. Яҳёев Қ. Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. -Т.: 1999.
21. Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти -Т.: Ғ. Ғулом, 2000.
22. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. -М.: Юнити, 2000.

Кўшимча адабиётлар

1. Альмардонов. М.И., Худойкулов. С.К., Даромад (фойда)дан олинадиган солиқлар. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2002.
2. Альмардонов. М.И., Омонов А. Солиқларни прогноз қилиш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ, 2002.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида" 2002 йил 30 декабрдаги 435-сонли Қарори.
4. Бухгалтерский учет и налогообложение в бюджетных организациях. –М.: Издательский дом герда, 2000.
5. Богатая И., Королёва Н., Кузнецова Л. "Как минимизировать ваши налоги". - М.: Финикс, 2001.
6. Карп М. Налоговый менеджмент. Учеб. для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
7. Региональные и местные налоги и сборы. –М.: Бератор-пресс, 2002.
8. Кочетков А. И. Анализ налоговых ошибок Учеб. пос. –М.: Дело и сервис, 2002.
9. Медведев. А. Оптимизация налогообложения в 2002 г. –М.: МЦФЭР, 2002.
10. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Молия ва нархлар илмий тадқиқот институти. 2002 й. 12 тўплам.
11. Солиқ тўловчи журнали. 2002-2003 йиллар.
12. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали. 2002-2003 йиллар.
13. "Солиқлар ва божхона хабарлари" газетаси. 2002-2003 йиллар.